

**Автомобилсозлик ишлаб чиқаришида маҳсулот сифати назорати тизимини тақомиллаштириш.**

**Абдупаттаев Абдулазиз Адҳамжон ўғли**  
(АнДМИ, МСМСМ йўналиши, 4-курс),

**Мамажонов Абдувоҳид Абдураҳмонович**(к.ф.н., доцент, илмий раҳбар).

**Аннотация:** Мақолада Автомобилни асоси қисми бўлган кузовни сифатни таъминлашда нималарга эътибор берилиши. Автомобил кузовни сифати кузов ва унга маҳкамланадиган қисмларни жойлашув тақсимотига боғлиқ. Қисмлар маҳкамланиш жойлашув тақсимотини назорат қилишда жуфт нуқталарни ўлчаш жуда муҳимлиги хақида маълумотлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** IATF 16949, кузов, кириш, ўз-ўзини ва якуний назорати.

Сифат ўлчами тушунчаси инсониёт тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, яъни ишлаб чиқариш кучи, ижтимоий нисбати асосида ўзгариб келмоқда. Бу тушунча даражали мураккаблашиб, мужассамланган тавсифни эгаламоқда ва ҳозирги вақтда маҳсулотгагина тегишли бўлмай, балки ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамият ва бутун ижтимоий хаётни қамраб олмоқда. Техникада ўлчов бирлигини аниқлик тушунчаси-бу берилган жараёнлар кўрсаткичларнинг хақиқий қийматга яқинлик даражасини кўрсатади. Ўлчашда аниқлик тушунчаси ўрнига хатолик тушунча кўпроқ ишлатилади. Мазкур мақолада Автомобилни асоси қисми бўлган кузовни сифатни таъминлашда нималарга эътибор берилишига тўхталиб ўтмоқчимиз. Автомобил кузовни сифати кузов ва унга маҳкамланадиган қисмларни жойлашув тақсимотига боғлиқ. Қисмлар маҳкамланиш жойлашув тақсимотини назорат қилишда жуфт нуқталарни ўлчаш жуда муҳимдир. Ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқаришда аввало назоратни кириш назоратидан бошлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини кетма-кетлиги назорати, якуний назорат ва харидордан олдинги назорат билан якунланади. Кузовни тайёрлаш жараёнида. ўлчаш учун муҳим бўлган нуқталарни ва уларни жуфт нуқталарни билиш лозим бўлади. Жуфт нуқталарни билмаслик ортиқча ўлчашларга ва кузовни шакли бўйича зарур маълумотлар олинмаслигига олиб келади. Шунингдек ўлчаш воситаси, уни аниқлик даражаси, электрон дастури бошқаруви, тили, муҳит ва

ISSN (E): 2181-4570

ўлчовчилар малакаси жуда муҳим ҳисобланади. Кузовни сифатини таъминлашда хом-ашё, бутловчи қисмлар ва тайёр маҳсулот қўйидаги “Назорат стандари талаблар бўйича текширилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал


Назорати стандарти				
№	Талаб номи	Талаб тавсифи	Ўлчов воситаси	Текшириш даври
<b>1. Кириш назорати</b>				
1.1	Ташқи кўриниш	Пўлат лист юзаси ва қирралари бир текис, нуқсон: ёриқ, оқиши, кемтиқ, улак, қиринди, занг ва бошқалар бўлмаслиги лозим.	Куз билан	Барча партия
1.2	Лист қалинлиги	$t (2.2\pm0.2) \text{ mm}$	Микрометр ( $0\sim25$ ) mm	Партиядан 5 дона
1.3	Материалнинг кимёвий таркиби	Пўлат лист	Мувофиқлик сертификати	Ҳар бир партия учун
<b>2. Ўз-ўзини (ишлаб чиқариш жараёнларида) назорати</b>				
2.1	Габарит ўлчамлари	Штамп кузов қисмлари шабломларга тушиши лозим, $(3,0\pm3,0) \text{ mm}$	Назорат шабломи, шуп-линейка	Партиядан 5 дона
2.2	Тайёр кузов ўлчами	Жуфт нуқталар ўлчамларни $(0,2\pm0,2) \text{ mm}$ дан оғи	$3\text{CCM} (\pm 0,01) \text{ mm}$	Партиядан 5 дона
2.3	Қалинлик ўлчами	Кузовни гальваник қалинлиги $(25\pm5) \mu\text{m}$	Толшинамер $(\pm 0,01) \text{ mm}$	Партиядан 5 дона

ISSN (E): 2181-4570


2.4	Бўёқ қалинлиги	Кузовни бўёқ қалинлиги ( $75\pm 5$ ) $\mu\text{m}$	Толшинамер ( $\pm 0,01$ ) mm	Партиядан 5 дона
2.5	Лак қалинлиги	Кузовни лак қалинлиги ( $15\pm 5$ ) $\mu\text{m}$	Толшинамер ( $\pm 0,01$ ) mm	Партиядан 5 дона
<b>3. Якуний (автомобил кузовнинг юзаси) назорати</b>				
3.1	Ранг ялтоқлиги	Намунага солиштириш	Блескомер	Партиядан 5 дона
3.2	Рангдорлик	Намунага солиштириш	Хромометр	Партиядан 5 дона

-кириш назоратида танлов назоратида қабул қилиш мезони “0” нуқсон бўлиши талаби қўйилган бўлиб, аксинча ҳолда IATF 16949:2016, 8.6.6 банди талабига мувофиқ 100% маҳсулот назоратдан ўтказилади;

-IATF 16949:2016, 9.1.1.1 банди) талабига мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнлари назоратида: -ўлчаш методлари; -даврий назорат режаси; -қабул қилиш мезонлари ва агар қабул қилиш мезони бажарилмаса бартараф қилиш режаси бўлиши лозим.



1-расм. Кузов олди қисмнинг ўлчаш учун муҳим бўлган нуқталарни ва уларга боғланган жуфт бўлган нуқталар.



2-расм. Кузов эшик ва олди ойна қисмнинг ўлчаш учун муҳим бўлган нуқталарни ва уларга боғланган жуфт бўлган нуқталар.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Управление качеством продукции машиностроения: Учебное пособие / Кане М.М., Суслов А.Г., Горленко О.А. и др. М.: машиностроение, 2010. -416с.: ил.
2. IATF 16949:2016 Сифат менежменти тизимлари. Автомобильсозлик саноати ва унга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун сифат менежменти тизими талаблар.
3. Xamdamov B., Maxmudov A. AVTOMOBILSOZLIKDA SIFATNI TA'MINLASH VA SIFAT BOSHQARUVI //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 35-46.
4. Sativaldiyev A., Maxmudov A., Jo'raboyev T. AVTOMOBILSOZLIKDA UCH O'LCHAMLI O'LCHOV VOSITASI YORDAMIDA O'LCHAMLARNING ANIQLILIGINI TA'MINLASH //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 17-21.
5. Sativaldiyev A., Maxmudov A., Jo'raboyev T. LOK-BO 'YOQ QOPLAMALARINI ISHLAB CHIQARISH TEXNOLOGIYALARI

ISSN (E): 2181-4570

//Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-27.

6. Xamdamov B., Maxmudov A. SIFAT MENEJMENTI TIZIMLARINING USTUNLIGI //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 28-39.

7. Xamdamov B., Maxmudov A. AVTOMOBIL KUZOV QISMI SIFATINI ANIQLASH USULLARI VA O ‘LCHOV VOSITALARI //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 47-53.

8. Raimdjonovich X. B., Odiljon o‘g‘li M. A. SIFATNI TA’MINLASH UCHUN AVTOMOBIL ESHIGI PANELIGA 3D SKANERLASHNI QO’LLASH TEKSHIRISH FAOLIYATI //Scientific Impulse. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 479-485.

9. Raimdjonovich X. B., Odiljon o‘g‘li M. A. Avtomobilsozlikda Sifatni Ta’minlash Va Sifat Boshqaruvi //JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 8-10.

10. Olimovich S. M. et al. KAPILLYAR PUTIR YETKAZMASDAN SINOV VA DIAGNOSTIKA USULLARINI QO ‘LLASH //SO ‘NGI ILMUY TADQIQOTLAR NAZARIYASI. – 2023. – Т. 6. – №. 3. – С. 17-20.